

21 ОКТЯБРЬ – ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ!

Тарихнинг аччик ҳақиқатлари



Саксонинчи йилларнинг оғриқли лавҳаларини бугун тил байрами арафасида жуда оғир бўлса ҳам эслашга тўғри келади. Катта-кatta залларда рус тилини умуман тушунмайдиган қора кўзлар учун обком партиянинг олифта ўзбеклари рус тилида маъруза қилиб, рус тилида савол-жавоблар қилиши модага айланганлиги ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Ўзимизнинг ўзбеклар ўзимизга бегона эди.

Чунки тилимиз ожиз эди.



7-бетда ўқинг ↗

Инсон ва Қонун

2022 ЙИЛ
18 ОКТЯБРЬ
СЕШАНБА

№ 40 (1348)

www.hudud24.uz

www.adolatmarkazi.uz

telegram.me/hudud24official/

facebook.com/hudud24official/



2022 йил 14 октябрь куни Адлия вазирлигига “Аёлларга ҳуқуқий мадад” китобининг иккинчи нашри тақдимоти бўлиб ўтди.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ навбатдаги ташабbusi

Тадбирда Оила ва хотин қизлар давлат қўмитаси, Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази, аёллар соҳасида фаолият юритувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Қўлланма Конрад Аденауэр Фондининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси кўмагида Адлия вазирлиги қошидаги “Адолат” миллий ҳуқуқий-ахборот маркази” томонидан нашр этилди.

Ш. Соатова ва Ф. Тожиев муаллифлигига чоп этилган қўлланмада никоҳ ва оила, фуқаролик масалалари, таълим, меҳнат, соглиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя каби соҳалардаги асосий ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида маълумотлар берилган.

Жумладан, қўлланмада келтирилган ҳужжатлар хотин-қизларнинг кундадлик ҳаётидаги долзарб масалаларга таалуқли. Қўлланмани ўқиб, хотин-қизларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларига оид саволларига жавоб олиш мумкин.

Ахборот технологияларининг жадал ривожланишига қарамай, класик қоғоз форматидаги китоблар ўз долзарблигини йўқотмайди. Албатта,

қўлланмадаги ҳуқуқий ҳужжатларни электрон форматда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси – Lex.uz сайтида топиш мумкин. Бироқ яқинда эълон қилинган ЮНИСЕФнинг ҳисоботига кўра, Ўзбекистонда интернетдан ҳеч қачон фойдаланманган 14-30 ёшли қизларнинг улуши 68 фоизи ташкил этади. Шунчи инобатга олган ҳолда қўлланманинг нашр этилиши китобхонлар доирасини сезиларли даражада кенгайтиради, чунки уни “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган хотин-қизларга бепул тарқатиш режалаштирилган.

Юқоридаги қўлланманинг нашр этилиши 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт



стратегиясида (69-мақсад: Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг жамиятдаги фаоллигини янада ошириш) белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қиласи.


Дилфузә ЭРГАШЕВА,
“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази масъул ходими

@adolat_nashrlari



“ADOLAT”
milliy huquqiy axborot markazi

“Адолат”
миллий ҳуқуқий
ахборот маркази
нашрларига
обуна бўлинг!



“Адолат
нашрлари”
телеграм
каналига
аъзо бўлинг!



Гумондор шахсни
ушлаб туриш
муддати қанча?

2-бетда ўқинг ↗



Меҳнат
қонунчилиги
мактабгача таълим
ташкилотига
тааллуқли эмасми?

3-бетда ўқинг ↗



Кредит муаммосидан
қамоққача...

6-бетда ўқинг ↗



ТОШКЕНТ “ТОШ ШАҲАР”ГА
АЙЛАНЯПТИ(МИ?)

4-5-бетларда ўқинг ↗



МИЛЛАТИМНИ ЎЗГАРТИРСАМ БЎЛАДИМИ?

– ОТАМ тожик, онам ўзбек миллати мансуб. Паспортимда тожик миллати кўрсатилган. Шуни ўзбек миллати деб ўзгартирсам бўладими?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига кўра, фуқаронинг ёзма аризасига асосан миллати ҳақидаги ёзув фақат бир марта отаси ёки онасининг миллатига ўзгартилиши мумкин.



МЕРОСНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

– Фарзандларимга қолдирадиган меросни қонуний расмийлаштириб қўймоқчи эдим. Қонунчилигимизда бу ҳақда нима дейилган?

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 1120-моддасига кўра, фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкни нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади.

Васиятнома шахсан тузилиши лозим. Васиятноманинг вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди.

Фуқаро ўзининг барча мол-мулкни ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

Васият қилувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақли. Қонун бўйича меросхўрни меросдан маҳрум этиш, agar vasiatnomadan bošqa ҳol keliib chikmasa, bu vasiat қiluvchining taqdim etishi xуқуқи bўyicha vorislik қiladigani avlodlariiga nisbatan tattibi etilmaydi.

Мерос қолдирувчи ҳар қандай мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақли.

Мерос қолдирувчи васият қилаётган пайтида ўзига тегишли бўлмаган мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақли. Агар мерос очилган пайтга келиб, бундай мол-мулк унга тегишли бўлиб қолса, тегишли фармойиш ҳақиқий ҳисобланади.

Мерос қолдирувчи васиятнома тузилганидан кейин уни истаган пайтда бекор қилиш ва ўзгариши борасида эркин бўлиб, бунда бекор қилиш ёки ўзгариши сабабларини кўрсатишга мажбур эмас.

Мерос қолдирувчи ўзи васиятномада меросхўр этиб тайинлаган шахсларга,

ўз навбатида вафот этишлари эҳтимоли билан ўзларига васият қилинган мол-мулкни муайян тарзда тасарруf этиш хусусида кўрсатма бериш мажбуриятини юклашга ҳақли эмас.

Фуқаролик кодексининг 1146-моддасига асосан, мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрнинг илтимосига кўра унга меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериши шарт. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан ётиборан олти ой ўтганидан кейин берилади.

Қонун бўйича мерос олинганида ҳам, васиятнома бўйича мерос олинганида ҳам, агар нотариус тегишли мол-мулкка ёхуд бутун меросига нисбатан гувоҳнома беришини сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа меросхўрлар йўқлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлса, гувоҳнома юқорида кўrsatilgan муддат тугамасидан олдин берилиши мумкин.

Қонунчилигимизда мерос қолдируvчининг охирги доимий яшаб турган жойи мероснинг очилиш жойи ҳисобланishi, агар мерос қолдируvчининг охирги яшаб турган жойи номаълум бўлса, мерос қолдируvчига тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда эса, кўчар мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой деб ҳисобланади.

Фуқаролик қонунчилигимизга кўра, мерос қолдируvчининг болалари (шу жумладан фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка оловчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринchi навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Мерос қолдируvчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринchi навбатдаги ворислар жумласига кирадилар.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани олиш меросхўрнинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи бўлганинги сабабли, қонунда меросхўр бундай гувоҳнома бериш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиши шарт бўлган муддат белгиланмаган. Яни, меросхўр бир неча йиллардан кейин ҳам меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериш ҳақида мурожаат қилиши мумкин бўлиб, даъво муддати қўllanilmaydi.



“АЁЛЛАР Дафтари”ГА КИМЛАР КИРИТИЛАДИ?

– Яқинда давлат идорасида ишлайдиган қўшним билан суҳбатлашганимда оиласавий шароитим ҳақида гапириб, “Аёллар Дафтари”га киритилишим мумкинлигини айтди. “Аёллар Дафтари”га кимлар киритилади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

– Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 марта “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 145-сон қарори билан тасдиқланган низомга мувофик, “Аёллар Дафтари”га 30 ёшдан ошган қўйидаги тоифадаги хотин-қизлар киритилади:

1) ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар – бандлиги таъминланмаган, ишлаш истагида бўлган ва даромад манбаига эга бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар;

2) тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар – бандлиги таъминланмаган, тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар;

3) боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд

хотин-қизлар – боқувчиси вафот этган, жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган, руҳий касалликка чалинган, I-II гурух ногиронлиги бўлган ҳамда доимий даромад манбаига эга бўлмаган, бедарак йўқолган (суд қарорига асосан) эҳтиёжманд хотин-қизлар, шунингдек, никоҳи бекор қилинган эҳтиёжманд хотин-қизлар ва эҳтиёжманд ёлғиз оналар (ФХД ёрганинг маълумотномаси асосида);

4) ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гурух ногиронлиги бўлган, шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар – меҳнатга лаёқатсиз, ўзгалар парваришига, шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар;

5) уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар – нотурар жойларда истиқомат қилаётган, доимий яшаш учун турар жойи бўлмаган, бир хонадонда (кичик ҳовлида) уч ва ундан ортиқ оила яшаётган (уй-жой майдони белгиланган ижтимоий нормадан кам бўлган), бироқ ўзининг ёки биргаликда яшовчи оила аъзоларининг номида турар жой мавжуд бўлмаган, хусусий уй-жой фондида ижара ҳуқуқи асосида истиқомат қилаётган эҳтиёжманд хотин-қизлар;

6) қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд – эҳтиёжманд хотин-қизлар – ногиронлиги бўлган вояга етмаган (I гурух ногиронлиги бўлган фарзанди ёшидан қатъи назар) фарзандини бевосита парваришаётган эҳтиёжманд хотин-қизлар.

Бунда “Аёллар Дафтари” рўйхатига киритиладиган хотин-қизлар юқоридаги тоифалардан фақат бирига киритилиши мумкин.



ЖАРИМА ТЎЛАЙМАНИ?

– Паспортимнинг амал қилиш муддати 12 кун ўтиб кетибди. Энди бунинг учун жарима тўлайманни?

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган биометрик паспорти тўғрисида”ги низомга кўра, фуқаро паспортининг амал қилиш муддати тугагандан сўнг ёки фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва миллати ўзгартандан сўнг паспортини бир ой муддатда ID-картага алмаштириши лозим.

Амал қилиш муддати ўтган биометрик паспортнинг ўз вақтида ID-картага алмаштириласлиги – яни фуқаронинг паспортсиз ёки ID-картасиз яшashi паспорт тизими қоидаларини бузиш деб ҳисобланиб, Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 223-моддасига биноан маъмурӣ жавобгарликка сабаб бўлади. Бундай ҳуқуқбузарлик 900 минг сўмгача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади.

Биометрик паспорtlarни ID-картага алмаштириш учун исталган ички ишлар органлари ёки рўйхат бўйича тасдиқланган давлат хизматлари марказларида алмаштириш мумкин. Муддати ўтган паспортни 1 ой ичida алмаштиримаганлар жарима тўлайди.



Саволларга “Мадад” ННТ етакчи мутахассиси
Зиёвуддин ПОЗИЛЖОНОВ
жавоб берди

ГУМОНДОР ШАХСНИ УШЛАБ ТУРИШ МУДДАТИ ҚАНЧА?

– ИИБ ходимлари яқин дўстимни жиноят содир этишда гумон қилиб ушлаб туриди. Лекин дўстимни яхши билганинг учун уни жиноятга алоқадор деб ўйламайман. ИИБ ходимлари қандай ҳолларда фуқароларни жиноятда гумон қилиб ушлаб туриши мумкин?

– Жиноят процессуал кодексининг 221-моддасига асосан жиноятни содир этишда гумон қилинган шахс қўйидаги асослар мавжуд бўлганда ушлаб туриши мумкин:

1) шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса;

2) жиноят шоҳидлари, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар;

3) унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса;

4) шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса.

Мана шу асослардан бири мавжуд бўлганида шахс жиноят содир қилганликда гумон қилиниб, ушлаб турилиши мумкин. Кўrsatilganlardan ташқари бошқа ҳолатларда шахс асосиз ушлаб турилиши мумкин эмас.



ИНТИЗОМИЙ ЖАЗО МУДДАТИ ҚАЧОН ОЛИБ ТАШЛАНАДИ?

– Интизомий жазо олган ходимдан қанча вақтдан кейин ушбу жазо олиб ташланади?

– Мехнат кодексининг 183-моддасига кўра, интизомий жазонинг амал қилиш муддати жазо қўllanilgan кундан бошлаб бир йилдан ошиб кетиши мумкин. Агар ходим шу муддат ичida яна интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади.

Интизомий жазони қўllagagan iш беरувчи ўз ташаббуси билан, ходимнинг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосномасига кўра жазони бир йил ўтмасдан олдин ҳам олиб ташлашга ҳақли.

НАМАНГАН

МИНГБУЛОҚ туман адлия бўлими томонидан тадбиркорлар мурожаатига алоҳида эътибор қаратилмоқда.




“УНУТИЛГАН” ТЎЛОВ бир йилдан СЎНГ ундирилди

Хусусан, Уйчи туманида жойлашган “Соф таъмир люкс” масъулияти чекланган жамияти раҳбари М. Онорбоевнинг туман адлия бўлимига қилган мурожаати ўрганилди. Ўрганиш жараёнида аён бўлишича, 2021 йил 22 июль куни Мингбулоқ туман ободонлаштириш бошқармаси билан “Соф таъмир люкс” МЧЖ ўртасида 16-сонли пурдат шартномаси имзоланган. Унга кўра, тадбиркор бир ой мобайнида ободонлаштириш бошқармаси буюртмаси асосида “Обод қишлоп” дастури доирасида туманинг “Мадиёровул” маҳалласида пиёдалар йўлакасини курган. Аммо бунинг учун буюртмачи шартномада белгиланган 102 миллион 8 минг сўмлик тўловни амалга оширган. Қолаверса, М. Онорбоевнинг ўз ҳақини сўраб қилган мурожаатини ҳам жавобсиз қолдирган. Шу тариқа орадан салкам бир йил ўтса-да, муаммо ечим топмаган. Шундан сўнг туман адлия бўлими томонидан жамият манфаатини кўзлаб, Намангандар туманлараро иқтисодий судига даъво ариза киритилди. Натижада суднинг 2022 йил 16 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан мазкур даъво ариза қаноатлантирилиб, Мингбулоқ туман ободонлаштириш бошқармасидан “Соф таъмир люкс” масъулияти чекланган жамияти фойдасига 102 миллион 8 минг сўм ундириш белгиланди.

Ҳалимжон ҚОБИЛОВ,
Мингбулоқ туман адлия бўлими
бошлиғи вазифасини бажарувчи

АНДИЖОН

ТАЪТИЛ ПУЛИ ҶАЧОН ТЎЛАБ БЕРИЛИШИ КЕРАК?



МАРҲАМАТ туман адлия бўлими томонидан туман тиббиёт бирлашмасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши ҳамда меҳнат қонунчилиги талабларига риоя этилиши ҳолати юзасидан ўрганиш ва мониторинг ўтказилди.

Мониторинг давомида тиббиёт бирлашмаси томонидан жорий йилнинг сентябр ойи учун ийиллик меҳнат таътилига чиқсан 174 нафар ходимга таътил пуллари ўз вақтида тўлаб берилмагани аниқланган.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 148-моддаси иккичи қисмida таътил учун ҳақ тўлаш жамоа шартномасида белгиланган муддатларда, лекин таътил бошланмасидан оғдинги охирги иш кунидан кечикмай амалга оширилиши белгиланган.

Шунга асосланиб, тиббиёт бирлашмаси бошлиги номига қонунбузиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилиб, таътилга чиқсан тиббиёт ходимларига 235 миллион сўм миқдоридаги таътил пуллари тўлаб берилши таъминланди.

Сардорбек ҲАМОРОЕВ,
Марҳамат туман адлия бўлими бошлиғи

ТОШКЕНТ

ФУҚАРО Н. Салиевнинг Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Мирзо Улуғбек туман бўлимига нисбатан мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб қилган мурожаати туман адлия бўлими томонидан ўрганиш чиқилди.



ФУҚАРОНИНГ ПЕНСИЯГА ЧИҚИШДАГИ МУАММОСИ ҲАЛ ЭТИЛДИ

Маълум бўлишича, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Мирзо Улуғбек туман бўлимидан аризачига нисбатан ёшга доир пенсия тайинланишида пенсия жамғармаси томонидан 2017 йил 22 ноябрда 2094-сонли қарор чиқарилган ва мазкур қарорда фуқаро Н. Салиевнинг 1990 йилнинг 10 январь кунидан 1996 йил 1 апрель кунига қадар бўлган давр учун Тошкентдаги илмий текшириш марказидаги иш стажи ҳисобга олинмаган.


Шунга асосан, Н. Салиевнинг манфаатида туман адлия бўлими томонидан Тошкент туманлараро маъмурӣ судига даъво аризаси киритилди. Суднинг 2022 йил 3 октябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг 2017 йил 22 ноябрдаги 2094-сонли қарори ҳақиқий эмас, деб топилиб, фуқаронинг пенсияга чиқсан кундан бошлаб қолган иш стажларини тўлигича тиклаб бериш мажбурияти юклатилди.

Шокир ЮСУПОВ,
Мирзо Улуғбек туман адлия бўлими бошлиғи

БУХОРО

БУХОРО вилоят адлия бошқармаси томонидан Пешку туманидаги “Хондамир Жонибек” масъулияти чекланган жамияти раҳбарининг мурожаати ўрганилганда, Ромитан туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ва “Хондамир Жонибек” МЧЖ ўртасида тузилган 2022 йил 19 майдаги машина ва автотранспорт хизмати кўрсатиш шартномаларига мувофиқ жамият ўз балансида бўлган автотранспорт воситалари билан унитар корхонага транспорт хизмати кўрсатганлиги, аммо унитар корхона томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлаб берилмагани аниқланди.

ТАДБИРКОРНИНГ ҲАККИ “ЙЎЛ”ДА КОЛМАДИ



Мурожаатни ўрганиш натижасида вилоят адлия бошқармаси томонидан “Хондамир Жонибек” МЧЖнинг манфаатида Ромитан туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасига нисбатан бажарилган ишлар учун тўланмаган қарздорлик суммасини ундириш тўғрисида Ромитан туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси киритилди.

Суднинг 2022 йил 3 октябрдаги ҳал қилув қарорига асосан адлия бошқармасининг даъвоси қаноатлантирилиб, жавобгар Ромитан туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасидан даъвогар “Хондамир Жонибек” МЧЖ фойдасига 59 миллион 874 минг 313 сўм асосий қарз ундирилиши белгиланди.

Анвар РАҲМОНОВ,
Бухоро вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

ТОШКЕНТ

МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИГА ТААЛЛУҚЛИ ЭМАСМИ?



ТОШКЕНТ вилояти адлия бошқармаси томонидан жойларда фуқароларнинг қонун билан кафолатланган меҳнат ҳуқуқлари қай даражада алоҳида оширилишини ўрганиш ва мониторинг қилиш давомида жорий йилнинг ўтган тўқиз ойи давомида 3 минг 165 та қонунбузиши ҳолатлари аниқланди. Уларнинг 1 минг 51 таси иш ҳақи тўланмаганлик, 1 минг 397 таси устама тўловлари, 6 таси меҳнат шартномаси қонун ҳужжатларига зид равишда бекор қилинганилиги ва 711 таси бошқа ҳолатлар юзасидан эканлиги қайд этилган.

Фуқароларнинг меҳнат фаолиятидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат органлари ва ташкилотларига нисбатан судларга 1 минг 479 та даъво аризаси, 871 та тақдимнома, 185 та маъмурӣ таклиф киритилган.

Хусусан, Бўка туман адлия бўлими томонидан туман мактабгача таълим бўлими тасаруфидаги давлат мактабгача таълим ташкилотларида меҳнат қонунчилигига риоя этилиши юзасидан ўтказилган мониторинг натижасига кўра ходимларнинг ойлик иш ҳақи ўз вақтида тўланмаганлиги аниқланди. Ташкилотга тақдимнома киритилиши натижасида ходимларнинг 5 миллион 653 минг сўм ойлик иш ҳақи ундириб берилди.

Чирчиқ шаҳар адлия бўлими томонидан эса шаҳардаги 5-сонли давлат мактабгача таълим ташки-

лотида мактабгача таълим муассаси реконструкцияга тушганлиги сабабли ходимларнинг аризаси олинмасдан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилга чиқариб юборилганлиги ҳамда Мехнат кодексининг 159-моддасига асосан ходимларнинг айбисиз ҳолда бекор туриб қолганлиги учун ўртача ойлик иш ҳақи ундириб берилди.

Шунга кўра, шаҳар адлия бўлими томонидан ходимлар манфаатида фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судига аризалар киритилиб, 5-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида ишлаётган 36 нафар ходимнинг 261 миллион сўмлик ўртача ойлик иш ҳақи ундириб берилди.

Қаҳрамон ҲАФИЗОВ,
Тошкент вилоят адлия бошқармаси масъул ходими



Гулчехра ҚҰЛДОШЕВА,
Яшнобод тұманида хусусий амалиёт
білән шүғулланувчи нотариус

ҮЙЛАМАЙ ҚИЛИНГАН ИШ ФАРЗАНДЛАРНИ ОТА МЕРОСДАН МАХРУМ ЭТДИ

КАСБЛАРНИНГ катта-кичиги ёки яхши-ёмни бўлмайди. Касбини севган инсонларни эса барча соҳаларда учратиш мумкин. Мен ҳам танлаган касбимдан афсусланмайман. Аксинча, инсонларга ёрдамим тегаётганидан мамнунман.

Нотариуслик ўта масъулиятли, шарафли, шу білән бирга, катта тажриба ва шахсий кўнімаларни талаб этадиган касб ҳисобланади бинобарин, ҳозир ҳам иш жараённади устоzlаримнинг кўп йиллик тажрибасини ўрганишига, улардан ўнрак олишга интиламан. Ана шу талаблар асосида ишлаганим боис 2016 йилда “Йилнинг энг яхши нота-

риуси”га лойин кўрилдим. 26 йиллик иш фаолиятим мобайнинда ҳар куни турли хил феъл-атвортаги фуқаролар билан мулокот киламан. Айримлари “Рахмат, ишим бундай тез битади, деб ўйламаган эдим”, деса, бошқасидан “бир варок қоғозга шунча на-вбатми?”, деган эътирозларни ҳам эшитамиз.

Нотариуснинг асосий вазифаларидан

бири фуқароларнинг бузилаётган ҳукуқларининг олдини олиш, килаётган ҳаракатларининг оқибатларини тарафларга тушунтириши ва тўғри ёки ног’ури эканлигини англатишдан иборат. Чунки, аksariyat фуқаролар ўз ҳукуқларини яхши билмаганилиги учун кўп ҳолларда адашишади.

Энг мураккаб нотариал ҳаракатлардан бири – меросдан воз кечиши ҳақидаги ариза ҳисобланади. Бу жараёнда фуқаролар билан бевосита узок сұхбатлашиб, сабаб-оқибатлар тушунтирилиб, кейин ҳужжатлар расмийлаштирилади.

Шу ўринда ўзим гувоҳ бўлган бир воқеани эсга олмокчиман. Анчагина мол-мulkka эга бўлган тадбиркор вафот этди. Ундан аввал хотини вафот этган, фарзандлари эса ёш бўлган. Отасининг вафотидан кейин фарзандлари меросни расмийлаштириш учун нотариал идорамизга мурожаат килишди. Яъни, отасидан қолган мол-мulkни катта опасига расмийлаштириши, шу боис меросдан воз кечишини айтишиди. Меросхўрлар билан батағсил тушунтириш ишларини олиб бордим. Сўнг аризатар олинниб, мерос расмийлаштирилди. Яъни, мол-мulkлар оиласининг энг катта фарзанди эгалигига ўтказилди. Лекин орадан бир муддат вакт ўтгач, ўша фарзандлар меросдан воз кечиши ҳақидаги аризани бекор килиш учун келишиди. Сабабини сўрасам, опаси турмуш ўргонинг бегона аёл билан ишқий муносабатларидан хабар топгач, ўз жонига қасд қилибди. Оқибатда

оиласининг барча мол-мulkни күёвга қолган. Бундан кўринадики, бизнинг фаолиятимизда ҳаттоқи, конунг нотариал ҳаракат юзасидан ҳам низо келиб чиқиши мумкин. Аммо фарзандлар меросдан воз кечиши ҳақидаги аризани бекор қила олишмади. Ўйламай килинган иш барча фарзандларни ота меросдан маҳрум этди.

Идорамизда бир кунда 70-80 тадан ортиқ нотариал ҳаракат амалга оширилади.

Яна бир ҳолат, бир куни 80 ёшдан ошган отахон идорамизга меросни расмийлаштириш учун келди. Аёли вафот этган экан. Фарзандлари нечталигини сўрасам, 4 нафар эканлигини айтди. Жараён бошланди, ариза олдим. Ҳужжатлар йигилди. Орадан 2-3 ой вакт ўтгач бир аёл киши келиб, “Мен бе-фарзандман. Отам меросни расмийлаштиромкчи экан” деди. Хуллас, ҳужжатлар билан танишиб чикдим. Ўша аёл иккى ой олдин келган отахоннинг ўртанича фарзанди экан. Кейин отахонни чакирдим. “Отахон, нега фарзандларим 4 нафар дедингиз? Ахир, улар 5 нафар экан-ку”, дедим. “Мен уни оқ қилганман, у мен учун ўлган”, дега жавоб берди. Шунда билдики, фарзанди тирик бўла туриб, ўлган дейдиганлар ҳам бор экан.

Шунга ўхашаш воқеаларга кўп дуч келамиз. Бундай ҳолатда нотариусдан катта тажриба, теран фикр, чукур билим талаб этилади. Чунки нотариуснинг арзимас хатоси айрим оиласалар ёхуд фуқаролар учун катта ташвишга айланishi мумкин.

ЖУРНАЛИСТ КУЗАТУВИ

ТОЗА ҲАВО – ТАНГА ДАВО

ТИРБАНД йўллар. Тинимсиз сигнал берадиган машиналар, йўлдаги тартибсизликлару кўзланган манзилга кечикишлар... Бугун бу ҳодисалар пойтахт ахолиси учун одатий ҳолга айланди.

Тикилинч автобусга зўрга сифишиб, бир оёғингизни қаерга кўйиши билмай кетаётганингизда йўллардаги тирбандлар battar гашингизни келтиради. Боз устига бесабр ҳайдовчиларнинг тўхтосиз сигнал чалишини айтмайсизми?! Ишга келишда ҳам шу – қайтишда ҳам шу...

Яқин беш йил ичда пойтахтимизда канча кўп қаватли иморатлар курилган бўлса, яна келгуси беш йилликда шунча турар жойлар кад ростласа, бутунги аҳволнинг келажагини ўзингиз тасаввур килаверинг. Инсониятга шаҳарсозлик нормалари нима учун керак, деб ўйлайсиз? Фақат сифатли бинолар, сифатли ва тартибли курилишлар учун эмас, албатта. Шаҳарсозлик ҳақида гап кетганда, аҳолининг турмуш тарзини ҳисобга олиш, одамлар учун етарила ҳисоблаштирилганда ҳам назардан четда қолмаслиги керак, эмасми? Фақат одамлар эмас, бошқа тирик жон учун, дов дарахтлару ўсимликлар дунёси учун ҳам чанг билан машиналардан чиқаётган зарапли тутунга тўйинмаган тоза ҳаво жуда-жуда муҳим! Кўпгина давлатлар 2030 йилгача ички ёнувдвигателли автомобиллардан бутунлай воз кечиши режалаштирган. Бен-зинли транспорт воситаларини тақиқловчи қонунлар Ҳиндистон, Буюк Британия, Норвегия, Бельгия ва бошқа мамлакатларда аллакачон қабул килинган ёки кўриб қилемокда.

Мамлакатимизда эса, 2021 йилда Навоий вилоятининг Кармана туманида биринчи йирик күёш фотоэлектр станцияси ишга туширилган эди. Ўзбекистон Энергетика вазирлиги хузуридаги Қайта тикланувчи энергия манбалари илмий-тадқиқот институтида күёш энергиясидан фойдаланган ҳолда электромобилларни юқори

тезлиқда қувватловчи станция яратилди. Дунёда электромобиллар экологик хавфисиз эканлиги аллақачон исботини топиб, кенг тарғиб килинган бўлса-да, ҳали аҳолимизнинг молиявий имконияти бутунги электромобилларни сотиб олишга етарли даражада эмаслиги ачиниари.

Кейнинг йилларда аллергик касалликлар, нафас йўли касалларини анча кўпайди. Барчамиз бундай касалликлар асосан экологик нотозалиқдан келиб чиқишини яхши биламиз.

– Яқинда Туркияга боргандим, бир хафта саёҳат килдик. Оппоккина оёқ кийимим оппоклигича турибди, ишонасизми? Бизда кўчаларни карант, ҳамма жойда курилиш, – дейди оёқ кийимлар сотиладиган дўқоннинг харидори сотувчи аёлга қараб.

– Демак, бу туфлининг очик ранглисиздан олмайсиз, қора ранглисиз берамиз, – дейди сотувчи ҳам бамайлихотир.

Шунга ўхашаш сұхбатларга беихтиёр гувоҳ бўлганда, экологик баркарорлик, тоза ҳаво деган гаплар ёдга келади. Диққанафас шаҳарда чанг ютиб яшайдиганимиз эсимизга тушади. Пойтахтимизда курилиш бўлмайдиган маҳалланинг ўзи қолмади. Хонага тоза ҳаво кирсин деб деразани сал очиб кўйсангиз, хона гулларининг баргларига бир олам чанг губор кўниб, ён-атрофда канча чанг зарралари учיב юрганини пайқаисиз.

Тиббиёт илмининг пири Ибн Синонинг “Ҳавода чанг билан тутун бўлмаганида инсоният минг йил яшарди”, қабилидаги сўзлари, айниқса, бугун янада долзарблашди. Инсоният тараққиётга интилиб, яшаши учун қанча кулийлар килишга уринса ҳам, саломатлигини ўйламаган кўйгани ачиниари. Ривожланган давлатларда автомобилдан чиқаётган газнинг меъридан тортиб, тамаки колдиги-ю, тамаки тутунгача ҳисобга олиниши бекорга эмас! Ўз қадрига етган миллатнинг шаҳарсозлик меъёларида қонунчиликка шунга ўхашаш қоидаларни кириши ўз-ўзидан замон талабига айланади.

ТОШКЕНТ

“тош шаҳар”га

2022 йил 17 октябрь соат 17:40 ҳолатига, ИҚАир рейтингида Тошкент шаҳри ҳавосининг ифлослиги бўйича Дехлини ҳам ортда қолдириб, дунёда 1-ўринга чиқди



Биздаци? Мамлакатимизда ҳам бу борада бир катор конуний тартиблар бор. Аммо кейнинг йилларда пойтахтимизда курилиш бўлмайдиган маҳалланинг ўзи қолмади. Хонага тоза ҳаво кирсин деб деразани сал очиб кўйсангиз, хона гулларининг баргларига бир олам чанг губор кўниб, ён-атрофда канча чанг зарралари учив юрганини пайқаисиз.

Биздаци? Мамлакатимизда ҳам бу борада бир катор конуний тартиблар бор. Аммо кейнинг йилларда пойтахтимизда курилиш бўлмайдиган маҳалланинг ўзи қолмади. Хонага тоза ҳаво кирсин деб деразани сал очиб кўйсангиз, хона гулларининг баргларига бир олам чанг губор кўниб, ён-атрофда канча чанг зарралари учив юрганини пайқаисиз.

ХАРАЖАТГА ЯРАША ҲАЁТ КЕРАК...

Очигини айтиш керак, ховлида яшайдиган аҳоли хонадонидаги “бассейн”ини сувга тўлдириши ёки кичкина бўлса ҳам томорқасини, ховлисида гул-райхонни суғориши ҳам ичимлик сувини ишлатиши бор гап! Айб фақат маъулларда эмас, аҳолининг ўзида ҳам бор. Кимdir сувнинг пулини

тўлаётган бўлсам, ишлатаман-да, деб ўзини хотиржам тутиб бу ишларни килаётган бўлса, кимdir сув сақлаш учун уйига катта-катта идишлар сотиб олиб, ортиқча ҳаражат килиб, ичимлик суви масаласида маъзульларга қайта-қайта шикоят килиб, сарсон бўляяпти. Бир томондан – янги кўп қаватли уйларга кўчиб кирган аҳоли ҳам бояги эски кувурдан сув ичайдигани учун ичимлик сувида муаммо чиққанини эса бирор ўйламайди, тан олмайди.

Шунка гаплар. Бу йил ёзининг чилласида, айни саратонда электр таъминотида узилишлар кўп бўлди. Тасаввур килинг, хозирча пойтахтимизда курилган ўз-жойларинг ҳаммасига аҳоли кўчиб ўтса, яшай бошласа, коммунал соҳада кишик иситиш, ёзги исисик мавсумда яна қанча муаммо бизни кутмокда!

Шаҳарсозлик ҳақида гап кетаркан, яна бир катор муаммолар ёдга келаверади. Кўп янги кад ростлаётган бинолар автомобиль



Коррупция – бу ҳалокат, коррупционер эса террористдан ҳам хавфли шахсdir

ХАЁТДА шундай иллатлар борки, у маълум бир соҳага эмас, балки бутун жамият тараққиётига тўғаноқ бўлади. Давлатни ич-ичидан емирадиган ана шундай иллат – коррупция балосидир. Айнан шу иллат сабабли кўплаб давлатларнинг инқизога, таназзулга учрагани ёки парчаланиб кетгани тарихдан маълум.

Коррупция – бу ҳалокат, коррупционер эса террористдан ҳам хавфли шахсdir. Буни англаб этиш учун барчанинг онгида коррупцияга қарши тоқатсиз муносабатни шакллантириш жуда мухим. Чунки коррупция бор жойда адолат бўлмайди. Инсонлар бахтни, эмин ва эркин яшашни ҳис кила олмайди.

Коррупциянинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, унга қарши курашнинг самарали йўлларини топиш бўйича мутахассислар, турли институтлар ва ҳалқаро ташкилотлар томонидан кўплаб илмий ҳамда амалий тадқиқотлар ўтказилиб келинмоқда. Сўнгги йилларда коррупцияга қарши кураши ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг устувор ўйналишига айланди. Буни соҳага оид кабул килинган концептуал аҳамиятта эга норматив-хукукий хужжатлар, коррупциони олдини олишига ҳамда унга курашишга каратилган маъмурий ислоҳотлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда кабул килинган “Коррупцияга қарши кураши тўғрисида”ги қонуни коррупцияга қарши курашида аҳолининг хукукий онги ва хукукий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хукукий саводхонлигини оширишини назарда тутади. Таълим муассасаларида коррупцияга қарши кураши соҳасидаги хукукий таълим ва тарбия масалалари эса қонуннинг 16-18-моддаларида ўз ифодасини топган. Чунки хукукий онг ва хукукий маданияти юксак бўлган инсонлар коррупцияга йўл кўймайдилар. Шу-

нингдек, Президентимизнинг 2019 йил 27 майдада имзоланган “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида ҳам ахолининг хукукий онги ва хукукий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш максадида 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб, ёшларга коррупцияга қарши кураши соҳасидаги хукукий таълим бериш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, татбиқ этилиши белгиланган ҳамда умумий ўрга, ўрга маҳсус, касб-хунар таълимни ва олий таълим мұассасаларининг ўқув дастурларидаги коррупцияга қарши мавзуулар янада кучайтирилиши кўрсатилиб ўтилган.

Жамият, миллат ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос тарихий анъаналари, урф-одатлари, диний ётиқодини ҳам қамраб олади.

Ҳар бир миллатнинг менталитети унинг тарихи, яшаб турган шарт-шароити, ижтимоий фаоллиги ва бошқа бир қанча омиллар билан боғланган бўлиши барчамизга маълум. Шундай экан, келажакни коррупциясиз қуришимиз, бунинг учун аввало ўзимизни ўзимиз тарбия қилишимиз, коррупциянинг ҳар қандай кўринишига биргаликда ижтимоий, иқтисодий ва тарбиявий омилларни умумлаштирган ҳолда курашиши миз лозим.

**Тўлқин Тўхтасинов,
Тошкент шаҳар уй-жой коммунал
хизмат кўрсатиши бош бошқармаси
бош юрисконсульти**



айланяпти(ми?)

йўлларига яқин жойга қурилайти. Бу эса, йўлларни таъмирилашда, кенгайтиришда муаммоларни келтириб чиқаради. Ўзи шундогам автомобиллар тирбандлигидан торлик қилаётган икки томонлама йўллар бу туришда ҳеч қачон кенгаймаслиги аниқ! Мамлакатнинг ташки қарзи эвазига, миллиардлаб харажат сарфланиб бунёд этилаётган бинолар пойдевори канча мустахкам бўлмасин, йўлга якинлатиб, масофа сақламай қурилгани учун яшаш учун хавфиз ҳудуд бўла олмайди барибир.

Ёши каттарок одамлар кўпинча шу нарсага ётибор беришади. Улар “катта йўлнинг ёқасидан уй олмайман, шовқин бўлади, деразани очсанг, чанг киради, уйинг чангга тўлади. Ёш болалар учун ҳам хавфли, сал ичкарироқдан уй карайлик...” дейишлари бежиз эмас! Ёшлар эса, аксарият ҳолларда бу нарсага ётибор қиласайди. Уларга ўқишига, ишга бориб-келиш учун қулий, шошилганда катта

йўлга яқин бўлса, магазинлар, супермаркетлар, бошқа куляйликлар, мухими, инфраструктура яхши бўлса, бўлди!

Тошкент бир маҳаллар “Нон шаҳри” номини олган шаҳар. Ҳамма мамлакатнинг пойтакти ҳам аҳоли гавжум, инфраструктура жихатидан нисбатан яхши ҳудуд бўлади. Ўқиши, ишлаш, пул топниш, керак бўлса, бизнес юритиши учун кулий ҳудуд хисобланади.

– Бу кетишида шаҳардан кўчиб кетамизов, – деб қўяди тирбанд йўлда “пробка”дан нолиётган хайдовчи ёзгириб. –

Яна канча уй қуришаркан? Шунча ўқиши жойи етмагандай яна очишяпти. Тошкентдан сал нарида курса бўлмасмикин шу ўқиши жойларини. Тошкент вилоятида канча туманлар бор. Ҳамма студент Тошкентда. Ёзда бир кўчалар очилиб, яйраб машина ҳайдаб колувдик. Яна бошланди!. Ҳар куни эргалабдан шу ахвол. Э, кўзингта карсанг-чи! Ўқимасдан права олган-да

бу, юришини қара, отаси тенги одамни эзib кетаман дейди-я...

Ҳайдовчининг гапларида жон бор. Пойтахтимизда шунчага янги ўқув юртлари очиляпти. Лекин талабаларнинг қаерда яшашини бирор ўйламайди. Шу ўқув юртлари учун лицензия беришда турар жой масаласи ҳам ҳисобга олинганида шунчага муаммо бўлмасди, балки. Хусусий ОАВ талабаси бўлган талабалар қанча контракт тўлашини бир суриштиринг! Кизларга-ку, бу йил контракт тўловида имтиёз берилди. Лекин йигитларга ачиниб кетасан киши. Қанча талаба ўқиши ўрнига, айни билим оладиган вақтида кутубхонада китоб ўқиши ўрнига кафе-ресторанларда ишляпти. Тадбиркорларимиз ҳам чет элдагидай талабалар учун соатбай ҳақ тўлай бошлади. Номдор бир “фаст-фуд” тайёрланадиган кафеда соатига 9 минг сўм, бир ойлик синовдан ўтганларга 11 минг сўмдан ҳақ тўлаб талабаларни иш билан таъминлаган, тушлик овқатидан тортиб, ўқиши учун руҳсат берган, навбатчиликда уч сменалик иш ташкил килган тадбиркорга, очиғи, раҳмат айтгим келди. Нега, дейсизми? Бугун талабаларни ишга олган айрим инсофли тадбиркорлар талабаларнинг контракт пулиниям тўлашга ёрдам берапти. Лекин шундай бир пайтда ижарада яшайтган талабаларни улардан олайтган долларларга ҳам қаноат килмай, янаям кўпроқ пул олиш илинжида кўчага куваётгандар ҳам кун сайин кўпайиб бормоқда.



ПОЙТАХТДА ҮЙИНГИЗ БОРМИ?

Талабалар учун турар жой муаммоси якин йилларда бу йилгидек катта муаммо бўлмаганди. Буни юқорида айтганимиз – хусусий олий ўқув юртларининг кўпайганлиги каби бир қатор важлар билан изоҳлаш мумкин. Аҳвол шу зайлда кетаверса, факат ўқиётган талабалар эмас, ижарада яшаб ишлаб ётган, аранг рўзгор тебратагётган алиси келиб чиқиши пойтактиларни бўлмаган аҳоли ҳам кўчада қолади. Ё ижарада амал-тақал кун кечираётган зиёли қатламнинг бир кисми буғун ижтимоий тармоқларда зўр бериб макталаётган, ижарада ўйларни биздагидан арzonрок бўлган Туркия каби давлатларга ёки бошқа ижара ҳақи арzonрок ҳудудларга кўчуб кетиши арафасидан турбиди. Тошкентда 20 йилдан ортиг ўйла ололмаган знёлилар анчагина. Ижара нархининг баландлагани буғун бюджетдан ойлик олаётган аҳолининг катта қисмiga ортиқча харажат бўлдайти. Улар орасида ҳам оиласи, ҳам талаба бўлган ўшлар талайтинга. Биринчи курсе талабаси бўлмагани ёки сиртки таълимда ўқиб-ишлагани, кундузги таълимда ўқимагани учун ҳам ҳеч ким уларга ижара компенсацияси тўлаб бермайди! Бундай аҳоли катламига на ўқиш, на иш жойидан моддий сенгиллик берилади. Субсидия ёки ипотека кредити асосида олиш мумкин бўлган янги қурилаётган турар жойлар ҳам бошлангич тўлов учун етарлича маблағ талаб қиласи.

Ўқисинми, ишласинми, оила бокиб, рўзгор тебратсинми?.. Ўй-жой килиш улар учун хозир факат орзу! Хуллас, ҳар кимнинг муаммоси ўзига яраша...

Чиройли реклама қилинаётган, тадбиркорлар кураётган кўпигина уйларни эса ойма-о тўлаб бориши шарти билан олиш мумкин. Пойтахтимизда шундай ўйнинг тўловини қилиб, яна уй битгунинг камида бир йил ижарада яшаб турши учун ҳатто олий ўқув юрти ўқитувчисининг ойлик маоши ҳам камлик қиласи. Ҳомчўт қиласангиз, шунинг учун ҳам сон-саноқсиз

янги ўйлар қурилса-да, ижарада яшайтган аҳоли бу ўйларга осонликча кўчиб кира олаётгани йўқ! Пойтахтдан уй олишини ўйлаётган олий маълумоти кадрларнинг пешонасида биринчи тўлов учун ё кишлукдаги уй-жойидан кечиши ё карз-хавола қилиш ёхуд бола-чакаси билан амал-тақал қилиб бир хонали уйга кўчиб олиш, кейин бу уйни сотиб кўп хоналисига алмаштириш каби муаммолар кўндаланг туриди.

Ноконуний йўллар билан олинган ерда қурилган, ҳатто нотариал тартибда ўзига уй-жой расмийлаштирилган бўлса-да, янги сотиб олган хонадони коммунал тармоқка уланишига руҳсат бўлмагани учун ижарада яшашга мажбур бўлаётгандар ҳам бор. Ҳали қурилмаган уй учун олдиндан пул тўлаб, алданиб қолаётгандарни ҳам кўраяпмиз. Ваъда қилинган уй бир эмас, иккни йил деганде ҳам фойдаланишига топширилмаётган ҳолатлар бўлаётгандар. Ўйнинг тўловини тўлиқ қилиб бўлган, алданганлар эса ҳалим ижарада туриди. Тадбиркорлар устамонлик қилиб улар билан имзолаган шартномани ҳам ўзига мослаб ёзиб олганига нима дейсиз?! Ўзини қанча ўтга-чўчка урмасин, ўйнинг ярим пулидан ортигини тўлаб бўлган харидор шартномани бекор қилолмайди. Бекор қиласай деса, пулига куяди! Муаммолар занжирдек бир-бирига узвий боғлиқ.

Бу жараёнларни бирма-бир санаб ўтаетганимнинг сабаби, шаҳарсозлик деган атама жуда кенг қамровли. Биз юқорида санаб ўтган, ҳали қаламга олмаган, бугун аҳоли дуч келаётгандар бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Бу муаммоларга кўз юмиб бўлмайди. Ҳар қанча ўзимизни оқламайлик, тараққиётнинг шу манзилига, шу ўтиш босқичига етиб келдик! Энди буёғига ўйлаб қадам ташлашимиш, қаерга нима қуришимизу қандай яшашимизни режалаб олишимиз керак... Акс ҳолда муаммолар кўпаяверади.

**Гулбаҳор ОРТИҚҲЎЖАЕВА,
“Инсон ва қонун” мухабири**

ХОРАЗМЛИК Зухра (исм-шарифлари ўзгартирилган) орзу-умидлар билан турмушга чиқди. Эл-юрга тўй бериб уйланган куёв боланинг никоҳни қонуй расмийлаштирумагани келинни шубҳага солмади, турмуш ўртоғига ишонди. Орадан маълум вақт ўтгач икки ёш фарзандли бўлишиди. Аммо...



ҚОНУНИЙ НИКОҲДАН ЎТМАСЛИК ҚАЧОНДИР АЖРАШИШ БЕЛГИСИМИ?

Аммо эр-хотин қонуний никоҳдан ўтишмагани боис фарзанд онасининг фамилиясини олди. Шунда ҳам никоҳни қонуний расмийлаштириш тўғрисида жиддий ўйлаб кўрмаган жуфтлик охир-оқибат турли келишмовчиликлар сабаб ажрашиб. Келин чақалоги билан бирга ота уйига кетиб, яшай бошлади.

Албатта, ажрашиш туфайли эридан фарзанди учун ҳеч қандай моддий ёрдам ололмади. Бинобарин, у фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманларо судига мурожаат қилиб, жавобгар – хўжайини Акбаралига нисбатан оталиник белгилаш ва алимент ундиришни сўради. Бироқ А. Раҳимовни судга жалб қилишнинг имкони бўлмади. Негаки, у Россия давлатига кетганди. Шу боис, суд конунда белгиланган тартибда ишни жавобгарнинг иштирокисиз кўриб чиқди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўралган С. Раҳимов ҳақиқатан ҳам З. Олимова келини эканлиги ва ўғли Акбарали боланинг отасилигини тасдиқлади.



Оила кодексининг 96-моддасида “Ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт. Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота(она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд бўйруғига асосан алимент ундирилади”, дея белгиланган. Ана шу асосларга таянган суд Акбаралини 2021 йил 11 ноябрда туғилган М. Олимовнинг отаси сифатида белгилаш ҳамда А. Раҳимовдан З. Олимова фойдасига фарзанди вояга етгунига қадар иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/4 қисми миқдорида алимент ундириш юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилди.

Айни пайтда оиласалар мустаҳкамлиги йўлида қанча ижобий ишлар амалга оширилмасин, аёлларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида қанча кўп гапирилмасин, афсуски, юқоридаги каби ҳолатлар ҳамон учраб турибди. Турмуш остонасида бундай масъулиятсиз, оила, фарзанд каби муқаддас тушунчаларни тўла англаб етмайдиган инсонлар – оталар бор экан, жамиятимизда тан олинмаган фарзандлар, чорасиз қолган аёллар сони ортиб бораверади.

Зафар ИСАКОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Урганч
туманларо суди судьяси


Воқеа тезда содир бўлди. Но-дир пулни қўлга киритишини ўйлаб, боягина ўзига шишадошлиқ қилган Шокирнинг юзига, қорин қисмига бир неча маротаба мушти билан уриб, унга енгил даражадаги тан жароҳати етказди. Мушт зарбидан ҳали ўзига келмаган Шокирнинг чўнтағига қўл солиб, 1 миллион 500 минг сўм пулни, бир дона 500 минг сўмлик “Samsung dous” русумли телефони аппаратини ва банк пластик картасини эгаллаб, воқеа жойидан яширинди...

Судланувчи қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, суддан енгиллик беришини сўради. Суд мажлисида жабрланувчининг, гувоҳларнинг кўрсатмалари ҳам тингланди.

Жабрланувчи Шокир спиртли ичимликнинг пулени тўлаш учун дўкон сотувчисига пул берганини, пулни тўлаб, дўкондан чиққанида бўлган воқеани эсга олди. Нодир ҳеч бир сабабсиз унга бир неча маротаба мушт туширгач, ийқилганинг, масть ҳолатдаги Нодир эса унинг қорин қисмига тепганинг, чўнтағига қўл солиб, пулени, қўл телефонини, пластик картасини олиб, қочиб кетганинг, айтди. Шундан кейин у ИИБ ходимларига ариза билан мурожаат қилганинг, дастлабки терговда телефон аппарати билан пластик картаси қайтарилганинг, лекин пулени қайтариб ололмаганинг айтиб, кўрсатма берди.

Суд-тиббий экспертизасининг хуносасига кўра, Шокир енгил даражадаги тан жароҳати олганлиги аниқланди. Суд судланувчининг жинон ҳаракатлари Жиноят кодексининг 166-моддаси иккинчи қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблади.

ОДАМ боласини нафс қайси кўчаларга бошламайди дейсиз. Эндинга ўттизни қоралаган, туппа-тузук уста бўлган Д.Зоҳидов (исм-шарифлар ўзгартирилган) пул учун энг жирканч иши қилишини ҳам ўзига эп кўрди. У ўғрилик қилиш учун танлаган манзилини қаранг. Аввалига у олдиндан ўзи билган хонадонга гўёки кексаларнинг ҳолидан хабар олиш мақсадида кириб, уйнинг ётоқхонасидан 500 АҚШ долларини ўғирлади. Лекин Даврон бу билан қоникмади...



КРЕДИТ МУДДОМОСИДАН КАМОҚҚАЧА...

Судда судланувчи Даврон ўзига қўйилган айловга тўлиқ иқрорлик билдириб, бўлган воқеани айтиб берди. У маҳалладоши Т.нинг Корея давлатида ишлаб қайтиб келганлигини, кейин ота-онаси яшайдиган Бектемир туманидаги хонадонининг бир қисмига янги иморат қуриб бериши учун уни устачиликка ёллаганини айтди. Даврон Андижон вилоятидан келган икки шогирди билан хонадонда қурилиш ишларини бошлаб юборади. Уста йигитлар 5 хонадан иборат янги иморатни пойdevоридан бошлаб қуришади. Усталар ўйнинг томини ҳам ёпиб беришади. Ишлаб иши учун Т. ҳисоб-китобни тўлиқ қилади. Уста йигит Даврон шу орада бу хонадонга келиб-кешиб юрганида уйдаги ҳамма нарсани, шарт-шароитларни кўриб-билиб олади. Йигитнинг отаси касаллигини ҳам кўради. Отасининг ўнг кўзидаги қўришида нуқсони борлигини, кексалигини, ён-атрофида бўлаётган воқеаларни яхши тушуниб ета олмайдиган даражада беморлигини яхши биларди. Т. яна Кореяга ишлаш учун кетади. Уста йигит Даврон эса, вақти келиб бу ўйни тунашга киради...

Даврон суд мажлисида карантиндан кейин оиласидаги моддий аҳвол яхши бўлмаганинг, молиявий қийналганлиги учун картошка ва пиёз маҳсулотларини қадоқлаб сотиш мақсадида керакли ускуна сотиб олиш учун “Халқ

НОДИР (исм-шарифлар ўзгартирилган) судда ўз айбига қисман иқрор бўлди. Ўша куни масть ҳолатда бўлгани, пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги “Регистон” тўйхонаси яқинидаги спиртли ичимликлар сотиладиган дўконда Ш. Тўхтасинов билан танишганлигини айтди. Нодир спиртли ичимликлар дўконида танишган янги шишадоши билан гаплашиб қолишганини, ичкиликнинг пулини тўлаётган Шокирнинг пули кўплигини кўриб қолганини, пулни қўлга киритиш мақсадида автобус бекатининг орқа томонига ўтиб, пайт пойлаганини тан олди.

Аввал ичишди, танишди... Сўнгра бири иккинчисини тунади



дастлабки тергов органи томонидан унинг талончилик, янини ўзганинг мулкини очиқдан-очик талон-торож қилиш, соғлик учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб содир этилишида ифодаланган жинон ҳаракатлари Жиноят кодексининг 166-моддаси иккинчи қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблади.

Суд ҳукмига кўра, Н. Азизовга узил-кесил 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Бир неча маротаба судланиб ҳам, қилмишидан тўғри хулоса чиқармаган Нодир энди жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташи белгиланди.

**Мирзиёд АБИДОВ,
жиноят ишлари бўйича Олмазор
туман суди судьяси**

банкининг Бектемир туман филиалидан ўзининг номига 30 миллион сўм миқдорда 3 йил муддатга кредит олганлигини айтади. Даврон ушбу кредит маблаби эвазига керакли ускунани сотиб олади. Лекин карантин сабаби ишни ташкил эта олмайди. Ишлари юришмай, қарзга киради. Бунинг устига ойма-ой кредит тўлаш учун пул кераклигини ўйлаб, бир йилча аввал ишлаган қўшни хонадон хаёлига келади. У шу хонадонда пул бор деб ўйлайди ва уни қўлга киритишга ҳаракат қиласди.

Даврон ҳаво совуқ бўлганлиги учун кечаси ошхонага ўтиб, икки шиша ароқдан ўзи истаганича ичади. Ҳар эҳтимолга қарши ошхонадаги бир томони чопқи, бир томони болғали болтачани қўлига олиб, кимdir қаршилик қилса ёки сезиб қолса, ишлатиши режалаштиради.


Ҳали тонг ёришмасидан уй эгалари ухлаётганлигини тахмин қилиб, ўзининг қабих режасини амалга ошириш учун қуай фурсат етганини англайди. Ётоқхонага кириб келган Давронни аввалига ҳеч ким пайқамайди. Кейин у ҳаммаёни титкилаб, уйдаги моддий қимматликларни излаётган вақтида шовқин овозидан хонадон сохибаси ўйғониб қолади. У Давронни танийди. Бундан кўрқиб кетган Даврон қўлидаги темир болтанинг тўмтқ қисми билан аёлнинг бош қисмига уради. Аёл ҳодиса жойида вафот этади. Нафс измига бўйсунган Даврон бунга парво ҳам қилмайди.

Қотиллик қилгани билан Даврон уйдан айтарли қиммат нарса топа олмади, у қўзлаган пуллар ҳеч қаерда йўқ эди. Фақатина 2 дона собиқ СССР даврида ишлаб чиқарилган кўйкрак нишони билан ошхонадаги аёллар сумка-сидан ўғирланган 88 минг сўм пул, қотил ва ўғри деган ном билан бу хонадондан чиқиб кетишга мажбур бўлди. Янги тонгни у шундай тузатиб бўлмас хатолар билан кутиб олди. Хонадоннинг кириш эшигини устидан қулфлаб, қалитни ўзи билан олиб кетди.

Шундан кейин бир танишини шу ўйга чақириб, ховли четида ётган темир буюмларнинг бир қисмини машинага ортиб олиб кетди-да, сотиб юборди. У ваҳҳийларча хонадон сохибасини ўлдиргани етмагандек виждансилизларча шунча нарсани сотиб юборди ва пулларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатди.

Ҳар бир ишнинг жавоби бор. Суд ҳукмига кўра, Даврон 17 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Давроннинг қарзлари у ўйлагандай тўланиб қолмади ҳам, ўзи қотиллик қилиб, панжара ортига тушди, норасида фарзанди тирик етим бўлди. Гулдай ҳунари бўла туриб, озигина қийинчиликка чидамай, чорасизлигидан ўғриликни касб қилган Давронни энди ҳақиқатда чорасиз дейиш мумкин.

**Умид ҲАКИМОВ,
жиноят ишлари бўйича Бектемир туман суди судьяси**



Саксонинчи йилларнинг оғриқли лавҳаларини бугун тил байрами арафасида жуда оғир бўлса ҳам эслашга тўғри келади. Катта-кatta залларда рус тилини умуман тушун-майдиган кора кўзлар учун обком партиянинг олифта ўзбеклари рус тилида маъруза қилиб, рус тилида савол-жавоблар қилиши модага айланганилиги ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Ўзимизнинг ўзбеклар ўзимизга бегона эди. Чунки тилимиз ожиз эди.

Энг ачинарли томони шундаки, нафақат тилимиз, ҳатто ўзбекона қадриятларимиз оёқости қилинди, топталди. Навоий вилояти партия қўмитасининг Ленинграддан юборилган биринчи секретари Анатолий Ефимов қўйини қўксига қўйиб салом берган ходимлардан бирининг қўлига урганлари ёлғон эмас, аччик ҳақиқат. Унга ҳеч ким нега бундай қилдинг, деган савонни бера ол-

масди. Чунки тилимиз ожиз эди.

Ўша йилларда юртимиздаги энг маърифатли билимли, илм эгалари, зиёлилар, фан докторлари, академикларни юзи қорага чиқариб ёзилган мақолалар сони қўпайганди. Шулардан Навоий вилояти партия қўмитасининг нашри "Знамя дружбы" газетаси мухбири Россиядан келиб ишлаётган А.Пазовскийнинг рус тилида ёзган

туҳмат ва бўхтонларга кўмилган ана шундай туркum буюртма мақолаларини "Дўстлик байроби" вилоят газетасига кўз ёшимизни ичимизга ютиб ўзбек тилига таржима қилганимиз алами ҳамон азоб беради. Биз бу маърифатли инсонларнинг яхшилигини, ҳалқимиз, миллатимиз фахри эканлигини билардик, тан олардик аммо айттолмасдик. Айтганимиз билан ҳеч ким бизни эшитмасди. Чунки тилимиз ожиз эди...

Навоий вилояти тугатилиб, гоҳ Самарқанд, гоҳ Бухоро вилоятларига қўшилгач, навоий-ликларнинг кўпчилиги ишсиз қолди. Айнан газета мисолига оладиган бўлсак, ўзбек тилида нашр этиладиган "Дўстлик байроби" газетаси биринчи бўлиб эшикларини ёпиб, журналистларни ишсиз қолдирди. Рус тилидаги "Знамя дружбы" газетаси эса Навоий шаҳар газетаси бўлиб, ўз фаолиятини давом эттириди. Биз ўзбекистонлик ўзбек журналистлари ўз юртимизда ишсиз қолдик, олисдаги ўзга юртдан келгандар эса бизнинг юртимизда ўз иш жойини сақлаб қолди. Чунки бизнинг тилимиз йўқ эди...

Хитой давлатига қилган ижодий сафаримиз чоғида чин мамлакатида ўз давлат тилига ҳурмат ва эътиборга тан бердик. Аксарияти Америка Қўшма Штатлари, Англия ва бошқа ривожланган давлатлардаги энг нуфузли олий даргоҳларида ўқиган, бошқа ўнлаб тилларни мукаммал билишига қарамасдан, бирортаси агар зарурат бўлмаса ўз тилидан бошқа тилда гаплашмайди. Ҳатто савдо дўйонларида, бозорларида ҳам АҚШ доллари билан эмас, фақат ўзларининг миллий валутаси юндан савдо қилишларига ҳам қойил қолдик.

Хулас, тилимизни узоқ йиллар топташларига, оёқ ости қилишларига йўл қўйганимиз. Тилимиз танобини доимо бирорларга бериб қўйганимиз. Энди ундан бўлмайди. Энди тилимизни тишлаб ўтирамаймиз! Энди миллий ғуруримиз, ифтихоримиз, қадриятларимизнинг энг қадрлиси – ўз тилимиз вижденимиз рамзи бўлиб қолади. Давлат тилимиз вижденимиз тили бўлсагина, уни ҳимоя қилаоламиз ва эъзозлаймиз.

**Маруса ҲОСИЛОВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири**

МЕЗОН

Энди одобсиз ва ахлоқсиз шахслар давлат ишида ишлаши мумкин эмас. 14 октябрь куни Ҳукуматнинг "Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 595-сонли қарори қабул қилинди. Қарор 15 октябрдан кучга кирди. Мазкур қарор билан:

- Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунахий қоидалари;
- Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги намунахий низом тасдиқланди.

Низом билан касбий фаолиятга оид, хизмат фаолиятига оид ҳамда хизматдан ташқари одоб-ахлоқ қоидалари тартибида солинади.

Намунахий қоидаларга мувофиқ, давлат фуқаролик хизматчилари меҳнат фаолияти давомида ва ишдан ташқари вақтда хулқ-атворнинг қўйидаги умумий қоидаларига амал қилиши лозим:

- давлат хизматининг обрўсига путур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилиш;
- масъулият, касбига садоқат ва ҳалолликни кундаклик шиорга айлантириш;
- мураккаб вазифаларни бажаришда ҳамкасларига кўмаклашиш;
- хушмуомалик, эътиборлилик ва хушёрлик билан фуқароларда давлатга нисбатан ишонч ва ҳурмат ҳиссини уйғотиш;
- оиласида соғлом мұхитни таъминлаб, оила аъзоларига доимий ғамхўр бўлиш, фарзандларида ватанпарварлик ва бошқа юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш;
- фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи бошқа омиллардан қатъи назар улар билан бир хил, самимий, одоб доирасида муносабатда бўлиш;
- жамиятда ахлоқнинг умумеътироф этилган қоидаларига амал қилиш.

Давлат хизматида билимли, тажрибали, шу билан бирга мумомала маданияти юқори, этика, эстетика қоидаларидан хабардор шахслар ишлаши керак. Бу бутун дунёда – демократик жамиятларда давлат хизматчилари амал қиладиган ёзилган ва ёзилмаган қонунлардир. Ўзбекистонда ҳар хил соҳа вакиллари, турли идоралар хизматчиларининг ички одоб-ахлоқ қоидалари шаклланган. Аммо қонунчиликда барча давлат хизматчилари бирдек амал қилиши лозим бўлган ягона одоб-ахлоқ қоидалари мезони мавжуд эмас эди. Сўнгги пайтларда давлат органи ходимларининг фуқаролар билан муносабатларидаги кескинлик, мансабдор шахсларнинг кўпол мумомаласи ва бунинг оқибатида келиб чиқсан ноxуш ҳолатларга кўп марта гувоҳ бўлдик. Шу каби кўпгина омиллар ва сабаблар ҳисобга олинниб, давлат хизматчилари учун умумий одоб-ахлоқ қоидалари ишлаб чиқилди.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ: **РАҲБАРЛАР ЖАЗОЛАНАДИМИ?**



Давлат органлари, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни ва бошқа ташкилотлар жорий йилнинг 25 октябрь санасига қадар ўз фаолияти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлайди.

Мазкур ҳужжатда одоб-ахлоқ

қоидаларини бузган хизматчиларга интизомий ва бошқа турдаги жавобгарлик чоралари кўрилиши мумкинлиги кўзда тутилмоқда. Илгари раҳбару амандорлар ўзини давлат хизматчиси сифатида муносиб тутмаган, инсон шахсиятини таҳқиқловчи ҳақоратлар билан одамларни аямаган ва бит-

та "узр" билан қутилган бўлса, энди маълум жавобгарликка бўйин эгади. Хушмуомала бўлмадими, обрўйин тушади, эътиборли бўлиб, фуқаролар мурожаатини тингламадими бунинг учун жавоб беради. Бундан ташқари давлат фуқаролик хизматида ишламоқчи ва ўсмоқчи бўлган шахс оилавий мұхитини намунағадидек қилиб қўйиши керак. Давлат хизматчиларининг оила аъзоларига ғамхўр бўлиши, фарзандларини муносиб тарбиялашига ҳам алоҳида эътибор берилади. Туб аҳоли билан бевосита мумомала қиладиган, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётини қайсирид маънода белгилаётган давлат органи ходими одоб-ахлоқ қоидаларига нисбатан мустаҳкам иммунитет ҳосил бўлишига умид қиламиш!

Давлат хизматчиларининг фаолияти учун ахлоқий мезонлар ҳар томонлама ҳисобга олингани, асосийси, бу қоидаларини бузганларга жавобгарликнинг белгиланаётгани айrim мансабдорларнинг ҳалқ тили билан айтганда "ўзини ийифи олиши", "ўйлаб гапириши" учун муносиб сабаб бўлади, деб ўйлаймиз. Бу орқали мансабдорлар ва бошқа давлат органи ходимларида одоб-ахлоқ қоидаларига нисбатан мустаҳкам иммунитет ҳосил бўлишига умид қиламиш.

**Фахриддин Қўлдошев,
"Адолат" миллий ҳуқуқий
ахборот маркази масъул
ходими**

E'LONLAR



Sabura Abdurashidovaga tegishli bo'lgan, Toshkent shahar hokimi mahkamasining kommunal mulkchilik va xususiy lashtirish bosh boshqarmasi tomonidan 1993-yil 23-fevralda berilgan №05-02/7783-sonli davlat dalolatnomasi yo'qolganligi sababli bekor qilinadi.

三

"Advokatura to'g'risida"gi qonun, Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 24-sentabrdagi 807-son qarori bilan tasdiqlangan Advokatlik guvohnomasini berish tartibi to'g'risidagi nizom hamda Vazirlar Mahkamasining 2009-yil 9-martdagি 60-son qarori bilan tasdiqlangan Advokatlik faoliyatini litsenziyalash to'g'risidagi nizomga asosan Toshkent shahar adliya boshqarmasi tomonidan quyidagi ilovaga muvofiq advokatlik faoliyati bilan shug'ullanish huquqini beruvchi litsenziyaning amal qilishi va advokatlik maqomi tugatilgan hamda advokatlik litsenziyaning amal qilishi va advokatlik maqomi to'xtatib turilgan shaxslarning ro'yxati e'lon qilinmoqda.

Advokatlik faoliyati bilan shug‘ullanish huquqini beruvchi litzenziyaning amal qilishi va advokatlik maqomi tugatilgan advokatlar RO‘YXATI

T/r	F.I.Sh.	Litsenziya sanasi va raqami	Buyruq sanasi va raqami
1	Sidikov Azizxon Solix o'g'il'i	23.09.2020, TN 001795	12.10.2022, 398-um-son
2	Talipova Nargiza Jo'rayevna	13.12.1999, TN 001177	12.10.2022, 398-um-son
3	Kiyomova Ximmat Zivayevna	28.12.2018, TS 000276	12.10.2022, 398-um-son

Advokatlik litsenziyası va maqomi to'xtatib turilgan advokatlar RO'YXATI

T/r	F.I.Sh.	Litsenziya yoki guvohnoma sanasi va raqami	Asos bo‘uvchi hujjat sanasi va raqami	To‘xtatib turish muddati
1	Yokubov Davron Atanazarovich	15.10.2020, TN 001813	13.10.2022 403-um-son	2022-yil 21-sentabrdan bir oy muddatga
2	Karimov Lochin Ochi-lovich	05.05.2019, TN 000568	13.10.2022 403-um-son	2022-yil 19-sentabrdan bir oy muddatga
3	Axmedov Amrullo Abdulla-yevich	04.01.2019, BH 000125	Toshkent shahar ma’muriy sud apel-lyatsiya instansi-yasining 2022-yil 26-sentabrdagi 3-435/22-son qarori	2022-yil 26-sentabrdan bir oy muddatga

Француз файласуфи Блез Паскал-нинг куч ва адолатга берган таърифига эътибор килинг:

“Адолат ва күч. Адолатга бүйсү-
ниш адолатли, күчлигә эса бүй-
сунмаслик мүмкін эмас. Күчгә
таянмаган адолат – заиф, адолатта
таянмаган күч зұравонлиқдир. Күч-
сиз адолатта доимо қаршилик қила-
дилар (чунки ёмон одамлар ҳамма
вақт ҳам бўлади), адолатсиз кучдан
норози бўладилар. Демак, кучни
адолат билан бирлаштириш лозим.
Яъни, ё адолатни кучли қилиш керак,
ё кучни – адолатли.

Адолатни осонлик билан рад құлса бүлади, лекин кучни рад қи-либ бўлмайди, чунки у қаршингизда ошкор турибди. Шунинг учун адолат кучли бўлолмади – куч адолатни тан олмаяпти, зўрликнинг ўзи адолат-дир, деб уқтироқда. Шунинг учун адолатни кучли этолмаган одамлар, зўрликни адолатли деб ҳисоблай бошлайдилар".

Кадимги Хитой донишманди Конфуцийдан сүрадилар: “Ёмонлик-ка яхшилик билан жавоб қайтариш тұғрими?”. Донишманд деди: “Ях-шилилкка – яхшилик билан, ёмонлик-ка эса – адолат ила жавоб қылмоқ керак!”

Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти-
дан ушбу ҳикматга хос мисоллар
жуда кўп. Чунончи, ул зот ўз “Ту-
зуклар”ида: “Яхшиларга яхшилик
қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонлик-
ларига топшурдим... Менга ёмон-
ликлар қилиб, бошим узра шамшир
кўтариб, ишимга кўп зиён етказган-
ларни ҳам, илтижо билан тавба-та-
зарру қилиб келгач, хурматлаб, ёмон
қилмишларини хотираидан ўчир-
дим”, деб ёзади. Яна:

“Мамлакатларни фатҳ этгувчи баҳти фарзандларим ва жаҳонни идора этгувчи қудратли набираларимга маълум бўлсинким, Тангри таоло даргоҳидан умидим шулки, кўплаб фарзандларим, авлоду зурриётим салтанат таҳтига ўтириб, мамлакатларни идора этгай. Шунинг учун салтанат қуриш, давлат тутиш бобида ўзим қўллаган ишларни бир неча Тузукка боғладим ва салтанат-

"КУЧСИЗ адолат ва адолатсиз күч – иккови ҳам даҳшат", – деб ёзган эди қадимги юонон донишманди Эсхил. Сүнгра у фикрини шундай давом эттиради: "Агар күч адолат билан бирлашса, бу ҳамкорликдан күчлироқ нима ҳам бўлиши мумкин?".



Куч - адолатда

ни бошқарыш ҳақида құлланма ёзиб қолдирдим, токи фарзандларим, авлодим ва зурриётимдан бұлған-ларнинг ҳар бири унга мувофиқ иш юритсін.

Бу түзуклардан салтанат ишлари ни бошқаришда құлланма сифати- да фойдаланғайлар, токи мендан уларға етадиган давлат ва салтанат зарару таназзулдан омон бүлгай".

Бүгүнгى күннинг ўткір ва дозары.

бошқариш, ўта мушкул ва имконсиз вазиятда ҳам тўғри йўл, тадбир топа олиш қобилияти, ноёб ақл-заковати ҳар қандай одамни ҳайратга солади. Россия императорлик жуғрофий жамиятининг ҳақиқий аъзоси Д. Логофет 1913 йилда Санкт-Петербургда нашр этилган “Бухоро тоғлари ва текисликлари” китобида шундай ёзган: “Оврўпода конституция ҳақида оддий тушунчага эга бўлинмаган бир даврда... Амир Темурнинг давлатида конституцион қонунлар мажмусаси – “Тузулар” мавжуд бўлган ва амал килганд”

“Давлатим ишларини тўра ва тузыкка асосланган ҳолда бошқардим. Тўра ва тузыкка таяниб, салтанатда ўз мартаба ва мақомимни мустаҳкам сақлаб турдим...”, деб ёзган Амир Темурдек буюк ва бетакрор сиймони ҳар томонлама тушуниш, у барпо этган қудратли салтанатнинг сиёсий, ижтимоий-иктисодий, маънавий – мафкуравий асосларини, давлат бошқаруви борасидаги улкан салоҳияти, маҳорати, билими ва тажрибаларини ўрганишда, умуман айтганда, ҳаёт сирларини англаб этишда “Темур тузыклари” бебаҳо қўйланмана бўлиб хизмат қиласади.

АДОЛАТ – *инсонни севшицир!*



Тарихда құдратли салтанатлар ва ҳукмдор-лар күп үтганды. Бирок, буюк даҳо сифатида ном қолдириш учун фақат куч-құдратнинг ўзи камлик қиласы. Амир Темур ҳәётининг мазмунини адолат билан биргә инсоф-иймон түйғуси, диёнат мезони ташкил этганды. У оламнинг ярми-га жаһонгирлик қилған бўлса ҳам куч-құдрат – зўрлик, зўравонликда эмас, аксинча, адолатда эканини мухим леб билган.

“Судъя маънавияти, одоби ва масъулияти” китобидан

